

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.K.02.05
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР
МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

АҲАДОВ МАЪМУРЖОН ШАРИПОВИЧ

**КИМЁ ТАЪЛИМИДА МОДУЛЛИ ТИЗИМНИ ВА ЭЛЕКТРОН
ДАРСЛИК ЯРАТИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (кимё)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Аҳадов Маъмуржон Шарипович

Кимё таълимида модулли тизимни ва электрон дарслик яратиш
методикасини такомиллаштириш.....3

Аҳадов Маъмуржон Шарипович

Совершенствование модульной системы в образовании химии и создании
методики электронного учебника.....26

Akhadov Mamurjon Sharipovich

Improvement of methodology for creating modular system and electronic
textbooks in chemistry..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works52

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.K.02.05
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР
МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

АҲАДОВ МАЪМУРЖОН ШАРИПОВИЧ

**КИМЁ ТАЪЛИМИДА МОДУЛЛИ ТИЗИМНИ ВА ЭЛЕКТРОН
ДАРСЛИК ЯРАТИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (кимё)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Ped947 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб - саҳифасида (www.samdu.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ихтиярова Гулнора Акмаловна
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шодиев Нарзикул
педагогика фанлари доктори, профессор

Шайзакова Дилбар Абдикаюмовна
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.K.02.05 рақамли илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг 2020 йил «28» 11 соат «1300» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй, физика-кимё биноси, 3-қават, 305 хона. Тел.: (+99866) 239-11-40; факс: (+99866) 239-11-40; e-mail: devonxona@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (65 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй, Ахборот-ресурс маркази. Тел.: (+99866239-11-51), e-mail: m_nasrullaeva@mail.ru).

Диссертация автореферати 2020 йил «17» 11 да тарқатилди.

(2020 йил «17» 11 даги 8 - рақамли реестр баённомаси).



А.М.Насимов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосида бир марталик Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ш.М.Сайиткулов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосида бир марталик Илмий кенгаш котиби, к.ф.н., доцент

Э.Абдурахмонов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосида бир марталик Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда таълим барқарор тараққиётни таъминловчи асосий омил сифатида эътироф этилиб, 2030 йилгача белгиланган барқарор тараққиёт таълими концепциясида «Бутун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш» долзарб вазифа сифатида белгиланди. Бу эса ўз навбатида ҳам фанни ҳам хорижий тилни ҳам замонавий ахборот технологияларини чуқур биладиган ва уни тажрибада қўллай оладиган кимё ўқитувчиларини тайёрлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда таълим тизими ишлаб чиқаришдан анча орқада қолиб кетмоқда ва битирувчиларнинг касбий тайёргарлигининг етарли эмаслиги кузатилмоқда. Шу сабабли олий таълим муассасаларида ўқитишнинг замонавий усулларида кенг фойдаланишни йўлга қўйиш, бўлажак педагогларни касбий тайёрлашда инновацион ва ахборот технологияларини кенг жорий этишни тақозо этмоқда.

Дунёда мустақил таълимни самарали ташкил этиш ва узлуксизлигини таъминлашда таълим олувчи шахсини ривожлантиришнинг янгича шакллари жорий этиш муҳим саналади. Жумладан, жаҳоннинг энг илғор университетлари ва инновацион таълим марказларида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари (e-learning platforms: Moodle, Pias, Dokeos ва ҳ.к.) ва дастурлари воситасида ташкил этиладиган масофавий ўқув курслари ўқувчиларнинг мустақил билиш фаолияти самарадорлигини ошириш ва меҳнат бозори талаблари даражасидаги рақобатбардош кадрларни тайёрлаш жараёнида электрон таълим ресурсларини кенг қўллаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда фан-техника ва технологияларни ривожлантириш ва жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш ҳамда ўқитишда инновацион таълим технологияларини жорий этиш алоҳида таъкидланган. Педагогика олий таълим муассасаларида кимё фанларини ўқитишда электрон таълим ресурслардан фойдаланишнинг технологияларини ишлаб чиқиш орқали таълим олувчиларда касбий билим, кўникма ва малакаларини халқаро стандартлар даражасида тўлиқ шакллантиришнинг илмий асосланган тизимини яратиш ҳамда мустақил таълимни ривожлантиришни тақозо этади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш»¹ каби муҳим вазифалар белгиланди. Бу эса, электрон интерфаол ва мултимедиа мажмуаларининг янги авлодини ишлаб чиқиш ҳамда улардан самарали

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

фойдаланиш методикаларини таъминлаш, шунингдек мустақил билишнинг янги турларини яратиш ва тармоқ асосида ўқитиш технологияларининг дидактик имкониятларини аниқлаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сон Фармонлари, 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3775-сон, 2020 йил 27 февралдаги «Педагогик таълим соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4623-сон қарорларида таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш уйғунлигини таъминлаш орқали таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий, маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ижтимоий тараққиётнинг турли босқичларида таълим жараёнини самарали ташкил этиш, унинг изчиллиги ва узлуксизлигини таъминлашга эришиш масалалари республикамиз, ҳамдўстлик мамлакатлари ва хориж давлатларда модулли таълим тизимини такомиллаштириш, ўқув жараёнига электрон дарслик ва ахборот комунникация технологияларни жорий этиш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилган.

Узлуксиз таълим тизимида кимё фанини ўқитишни такомиллаштириш борасида олиб борилган тадқиқотлар жумласига, Х.Т.Омоновнинг кимё таълимининг фалсафий-педагогик асослари ва уни такомиллаштириш, Э.У.Эшчановнинг органик кимёни ўқитишда ўқувчиларнинг мустақил ишлашларини ташкил этиш, Г.А.Ихтиярованинг Умумий кимё, Коллоид кимё, Органик кимё, Кимёвий технология фанларини сифат ва самарадорлигини оширишда ноанъанавий электрон дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш ва ундан фойдаланиш бўйича олиб борган илмий тадқиқотлари, Ф.М.Алимованинг педагогика олий ўқув юртларида кимёни ўқитишда компьютер техникасидан фойдаланишнинг дидактик асослари, электрон ахборот-таълим ресурслари, дастурий қобикларни яратиш, таълим жараёнида қўллаш имкониятлари мамлакатимиз А.Абдуқодиров, У.Бегимқулов, Н.И.Тайлоқов, Қ.Т.Олимов, Ф.М. Закирова, А.Ғ.Ҳайитовнинг ишларида электрон дарсликлар ва электрон қўлланмалар

яратиш йўллари, уларга қўйиладиган талаблар таълим тизимида электрон ахборот реасурслари тушунчаси И.А.Аллаяров, масофавий таълим, уни ташкил қилиш, сунъий интелект, эксперт тизимлар, билимлар омбори, билимлар омборини бошқариш тизимлари ҳақидаги фикрлар С.М.Наджимова, Л.Т.Зайлобов, умумий кимёни ўқитишда фойдаланиладиган ахборот технологиялари воситаларининг имкониятлари, дидактик функциялари уларни амалга ошириш йўллариининг белгиланиши таълим самарадорлигини оширишга замин яратиши ҳақида айтилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида Ю.Н.Кукушкин, Н.А.Костромина, В.Н.Кумок, Н.А.Скорик, Б.Д.Березин, Л.И.Савранский, Т.Н.Ломова, А.Ю.Цивадзе кабилар фаннинг назарий асослари, О.С.Зайцев, Э.Г.Злотников, Н.Е.Кузнецова, М.С.Пак, В.С.Полосин, олий таълимда кимё ўқитишнинг назарий-методик асосларини ўрганган. Т.П.Салькова, М.С.Пак, Г.К.Селевко, Г.М.Чернобелская, П.А.Юцявичене, А.А.Муравьева, Т.Н.Червякова, О.М.Краснова, О.Н.Олейникова, О.В.Романова кабилар ўз илмий-тадқиқот ишларида модулли ўқитиш тизимининг назарий асосларини очиб берган.

Хориж давлатларида кимё таълимида электрон дарсликлар ва виртуал технологияларни жорий этиш бўйича R.Bryant, A.Edmunt, N.Ali, S.Ullah, A.Alam, I.Rabbiлар тадқиқотларини киритиш мумкин.

Мазкур тадқиқотларда турли техник воситалардан фойдаланиб ўқитиш самарадорлигини ошириш йўллари, педагогик дастурлаш воситаларини таснифлаш, ўқитишни компьютерлаштириш муаммолари, хусусан, назорат ишларини тузиш, кимёвий жараёнлар ва ходисаларни моделлаштириш, кимёвий тажрибаларни компьютерлаштиришда электрон таълимий воситалардан фойдаланиш масалалари ёритилган.

Бироқ педагогика олий таълим муассасаларида кимёни ўқитишда модул технологияларидан ва электрон дарсликлардан фойдаланиш бўйича илмий тадқиқот иши етарлича олиб борилмаганлиги ва муаммо долзарблигини асослаш орқали мазкур тадқиқот мавзуси «Кимё таълимида модулли тизимни ва электрон дарслик яратиш методикасини такомиллаштириш» тарзида танланди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Навоий давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг АИФ-2/15-«Ўзбекистонда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида олий таълим тизимида масофавий таълимни ташкил этиш модели ва технологиясини ишлаб чиқиш» (2017-2020 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кимё таълимида модулли тизимни ва электрон дарслик яратиш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бўлажак кимё фани ўқитувчиларининг касбий-соҳавий компетенциялари тизими ва компонентларини аниқлаштиририш;

виртуал-таълим муҳити шароитида аорганик кимё фанини ўқитиш мазмуни ва таркибий асосларини ёритиб бериш;

«Аорганик кимё» фанини ўқитиш жараёнида инновацион электрон ресурслар базасидан фойдаланишнинг интегратив моделини ишлаб чиқиш;

бўлажак кимё фани ўқитувчиларини инновацион электрон дарслик яратиш технологияси ва таълим-тарбия жараёнига татбиқ этишга доир дидактик тайёргарлигини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида кимё таълимида модулли тизимни ва электрон дарслик яратиш методикасини такомиллаштириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Навоий давлат педагогика институти, Жиззах давлат педагогика институти, Қўқон давлат педагогика институти кимё ўқитиш методикаси йўналишининг 451 нафар респондент-талабаси иштирок этди.

Тадқиқотнинг предмети кимё таълимида модулли тизимни ва электрон дарслик яратиш методикасини такомиллаштириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ келувчи илмий-методик манбаларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил этиш, олий ўқув юртларидаги илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, анкета, суҳбат, кузатиш, тест, лойиҳалаш, эксперт баҳолаш, математик-статистик таҳлил усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бўлажак кимё фани ўқитувчиларининг касбий-соҳавий компетенциялари тузилмаси (махсус, методик, ахборот-коммуникатив, прогностик) мотивацион, когнитив, фаолиятга доир компонентларининг кредит-модулли ўқитиш жараёнини ташкил этишнинг индивидуал таълим траекторияси билан вертикал интеграциясини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

виртуал-таълим муҳити шароитида аорганик кимё фанини ўқитишнинг таркибий асослари (мақсад ва вазифалари, мазмуни) инновацион электрон дарсликни ишлаб чиқишга қўйиладиган эргономик (қулайлиги, тушунишнинг осонлиги, визуаллиги) талабларнинг интенсификацияга алоқага киришувини бевосита ҳисобга олиш асосида такомиллаштирилган;

«Аорганик кимё» фанини ўқитиш жараёнида инновацион электрон ресурслар базасидан фойдаланишга доир интегратив моделнинг амалий компоненти талабаларнинг репродуктив, эвристик, продуктив билиш фаолияти турлари ички (мнемоник) ва ташқи (ўқув ҳаракатлари) намоён бўлишининг креативлик даражаси барқарорлигига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак кимё фани ўқитувчиларининг инновацион дидактик тайёргарлигининг методик аспекти (ташкилий, мақсадга йўналтирилган, мантиқий-тузилмалар, диагностик-нативажавий) электрон таълим муҳитининг Moodle (асинхрон) тизимига асосланган интерфаол таълимни ташкил этишнинг визуал интегративлигини реал шароитларда намоёни қилиш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда ўз аксини топган:

«Анорганик кимё» фанини ўқитишнинг кредит-модул тизимига асосланган дастурий таъминоти ишлаб чиқилган;

кимё таълимида янги авлод ахборот технологияларини жорий этишнинг методик тизими такомиллаштирилган;

кимё таълими жараёнида инновацион электрон дарсликлардан фойдаланиш бўйича илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган;

«Анорганик кимё» фанини ўқитишнинг электрон-дидактик таъминоти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашувлар ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, эмперик ўрганишлар асосида келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистик методлар воситасида асослангани, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кимё таълимида модулли тизимни ва электрон дарслик яратиш методикасини такомиллаштиришга хизмат қиладиган методологик ёндашувлар ҳамда педагогик шарт-шароитларни такомиллаштиришда фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кимё таълимида модулли тизимни ва электрон дарслик яратиш методикасини такомиллаштириш, интерфаол таълим муҳитини яратишнинг инфорацион-методик тизимини такомиллаштириш ҳамда педагогика олий таълим муассасаларида анорганик кимё фанини инновацион электрон дарслик ва модулли технологиясидан фойдаланишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кимё таълимида модулли тизимни ва электрон дарслик яратиш методикасини такомиллаштиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

бўлажак кимё фани ўқитувчиларининг касбий-соҳавий компетенциялари тузилмасини аниқлаштириш, мотивацион, когнитив, фаолиятга доир компонентларнинг кредит-модулли ўқитиш жараёнини ташкил этишнинг индивидуал таълим траекторияси билан вертикал интеграциясини таъминлашга доир таклифлардан 5110300 – кимё ўқитиш методикаси таълим йўналишининг Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 29 январдаги 89-03-366-сон ҳамда 2020 йил 9 июлдаги 89-03-2495-сон маълумотномалари). Натижада, кимё таълимида модулли ўқитиш технологиясини қўллаш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

виртуал-таълим муҳити шароитида анорганик кимё фанини ўқитишнинг таркибий асосларини аниқлаштириш, инновацион электрон дарсликни ишлаб чиқишга қўйиладиган эргономик талабларнинг интенсиф қайта алоқага киришувини бевосита ҳисобга олиш, «Анорганик кимё» фанини ўқитиш

жараёнида инновацион электрон ресурслар базасидан фойдаланишга доир интегратив моделнинг амалий компоненти такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан бакалаврият таълим йўналиши учун «Кимёни ўқитишда замонавий технологиялар» номли ўқув кўлланмани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 29 январдаги 89-03-366-сон ҳамда 2020 йил 9 июлдаги 89-03-2495-сон маълумотномалари). Натижада, кимё таълимида электрон дарсликлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эришилган;

бўлажак кимё фани ўқитувчиларининг инновацион дидактик тайёргарлигининг методик аспекти, электрон таълим муҳитининг Moodle тизимига асосланган интерфаол таълимни ташкил этишнинг визуал интегративлигини реал шароитларда намойиш қилиш орқали такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан олий таълим тизимига кредит-модуль тизимини жорий этиш бўйича Йўл харитасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 29 январдаги 89-03-366-сон, 2020 йил 9 июлдаги 89-03-2495-сон ҳамда 2020 йил 4 ноябрдаги 89-03-4396-сон маълумотномалари). Натижада, бўлажак кимё фани ўқитувчиларининг инновацион компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та ўқув кўлланма, 1 та электрон дарслик, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 6 та Республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 125 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Кимё фанларини ўқитишда яратилган инновацион ва ахборот технологияларининг ҳозирги замон ҳолати» деб номланган биринчи бобида табиий фанлар жумладан, кимё фанини ўқитишда модулли таълим технологияларини такомиллаштириш, анъанавий ўқитиш билан модулли ўқитишнинг фарқли жиҳатлари, табиий фанлар билан боғлиқ соҳада дастурий воситалар асосида яратилган электрон дарсликларнинг аҳамияти, кимё фанида замонавий интерактив методлардан фойдаланишнинг самарадорлиги масалалари ёритиб берилган.

Кимё таълими мазмунини модулли технология асосида такомиллаштиришнинг назарий ва методологик асосларини ишлаб чиқиш, модулли ўқитишга оид педагогик-психологик адабиётларни таҳлил қилиш, ОТМ ларида кимёни модулли ўқитишнинг дидактик тизимини ишлаб чиқиш, кимё таълими ва ўқув материалларини лойиҳалаштириш, модулли технология асосида ўқитиш воситаларини ажратиш, ўқувчиларни ўзлаштириш кўрсаткичларини аниқлаш тадқиқотчининг шахсий тажрибасига суянган ҳолда ҳал қилинади.

Олиб борилган изланишларимизга асосланган ҳолда қуйидагиларни ҳисобга олиш жоиз:

ОТМларида кимё фанини ўқитиш модулли технология асосида ташкил этилганда кимё таълими модулли тавсифини олиши аниқланди. Модулли тавсифни олган таълим жараёнида ўқув материалларини тўлиқ ўзлаштириш, ўқув элементлари, тушунчаларни олдиндан қайд қилиш, самарадорликни ошириш, таълимнинг сифатсиз жойларини тузатиш имкониятлари кенгайтишига ишонч ҳосил қилинди.

1. Модулли технология асосидаги ёндашув кимё таълими жараёнини рационал ташкил этишга ва унинг такомиллашувига олиб келиши аниқланди, жумладан:

- ўқувчи шахсининг кимёдан ўқув-билув фаолиятини амалга ошириш учун оптимал шароит яртилади;
- кимёдан модуллар шаклидаги инновацион электрон дарсликларни қўллаш асосида ўқувчининг ўқув фаолиятини бошқариш таъминланади;
- ўқувчининг тайёргарлик ва мустақил билув фаолиятининг шаклланганлик даражаси асосида кимё ўқитишнинг гуруҳли ва якка шакллари орасида ўзаро алоқадорлик таъминланади.

2. Кимёни модулли ўқитиш технологияси ўқувчининг ўқув-билув фаолиятига йўналтирилган мақсадли ва жараёнли компонентлардан иборатлиги аниқланди. Кимёдан ўқув модули ўқувчининг индивидуал хусусияти, ўқиш суръати, талаблари, мустақил ишлашга мувофиқ шахсга йўналтирилган ўқув дастури сифатида намоён бўлиши қайд этилди.

3. Кимё фанини ўқитиш сифатини оширувчи ахборот технологияларидан фойдаланиш жараёнида вужудга келаётган психологик, педагогик ва методик муаммолар назарда тутилади.

4. Анъанавий ўқитиш методикаси билан бир қаторда компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда кимё фанини ўқитишнинг замонавий методикасини яратиш лозимлиги ўқитилди.

5. Кимё фанларини ўқитишда замонавий технологиялар, инновацион педагогик технологиялар, методларни ва компьютер технологияларини қўллаш дидактик жиҳатдан асосланди.

6. Кимёни ўқитишда модулли ва ахборот технологияларидан фойдаланиш орқали таълим самарадорлиги 10-15 % га ортиши исботланди.

7. Табиий фанлар соҳасида яратилган электрон дарсликлар ва уларнинг таълим жараёнида кенг қўлланилиши мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақидаги хулосага келинди.

ОТМ ларининг табиий фанлар соҳасида яратилган электрон дарсликларнинг мазмуни, дизайни ва шакли уйғунлигини баҳолашда қуйидаги маълумотлар қай даражада мавжудлиги инобатга олинди; маъруза матнларининг мазмуни; фотоиллюстрациялар; анимациялар; лаборатория машғулотларининг видеолавҳалари сифати; аудиофайллар; кимёвий масалаларни ечиш учун видеолавҳалардан намуналар; ностандарт тестлар; глоссарийлар; қўшимча маълумотлар (бу қизиқ... биласизми...билиб қўйган яхши...нима, қачон, қаерда) мавжудлиги назарда тутилади.

Диссертациянинг «**Кимёдан инновацион электрон дарслик яратиш ва таълим жарайёнига жорий этишнинг амалий асослари**» деб номланган иккинчи бобида Анорганик кимё фанини модулли тизим асосида ўқитишни такомиллаштириш аҳамиятини, инновацион электрон дарслик яратишнинг дастурий таъминоти, «Анорганик кимё» фанидан инновацион электрон дарслик яратиш технологияси ва ундан таълим жараёнида фойдаланиш методикаси хусусида фикр юритилган.

Анорганик кимё фанини модулли тизим асосида ўқитишни такомиллаштириш ва таълим жараёнида инновацион технологияларни қўллаш ва ўқитишнинг психологик, педагогик, услубий, дидактик таҳлили ҳамда модулли тизим унинг таркибий қисми эканлиги илмий ва амалий жиҳатдан асосланди. Таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш инновацион технология тамойиллари асосида ишлаб чиқилган таълим жараёнининг лойиҳалари ҳамда уни амалиётга қўллашда фойдаланиладиган интерактив методлар асосида амалга оширилади. Шундан келиб чиқиб, анорганик кимё фанини ўқитишда инновацион ёндашувлар самарадорлиги, анорганик кимё ўқув машғулотларида модулли тизимнинг ўрни кўрсатиб берилди. Модулли тизимни олий таълим муассасалари кимё ўқитиш методикаси таълим йўналишидаги анорганик кимё фанини ўқитишда қўллаш модели ишлаб чиқилди.

Инновацион электрон дарсликларнинг оддий дарсликлардан фарқи – уларда матн ва расмдан ташқари аудиофайллар, турли хилдаги мултипликациялар, кимёвий масалалар ечиш усулларининг видео ҳаволалари, бажариш имконияти бўлмаган тажрибаларни CrocodileChemistry

дастури орқали виртуал кўриш, замонавий тақдимотлар, ўқитувчилар учун дарс ишланмалари каталоги ва фойдаланувчиларга ўзини-ўзи назорат қилиш учун Ispring дастурида 11 турдаги ностандарт тестлар, HotPotato дастурида кроссвордлар, кейслар банки, ассисментлар ва гиперматндан фойдаланиб ўқувчидан ахборотни тез, осон, қулай, чиройли ҳамда тушунарли шаклда тақдим этиш мумкин.

Ҳозирги кунда республикамизда ҳам масофадан ўқитиш услубий материаллари айрим фанларни ўқитишда фойдаланилмоқда ва яхши натижалар бермоқда. Электрон кутубхоналар, электрон дарсликлар, on-line дарслар, V-academia урфга кирмоқда.

Мисол сифатида «Анорганик кимё» фани мисолида инновацион электрон дарслик яратишда қўйиладиган талаблар билан танишиб чиқамиз.

Инновацион электрон дарслик фойдаланувчи учун ҳар томонлама қулай бўлган пайтда курсни ўрганиб чиқиши мумкин.

ИЭД ўзида кўпгина маълумотларни мужассамлаштириши билан бирга, бу маълумотларни экранда намойиш этади, овоз ёрдамида виртуал бажариш имкониятига эга бўлишини изохлайди.

ИЭД нинг хусусияти шундан иборатки; у воқеа ва маълумотларни яққол акс эттиради. Яъни мултимедиа тақдимотлар воқеа ва маълумотларни ҳаётийлаштиради. Бу матн, видеотасвир, мултипликация ва овоз ёрдамида амалга оширилади.

Шунингдек, диссертациянинг мазкур бобида электрон дарсликдаги маърузаларни педагог томонидан ҳар қандай вазиятда ҳам самарали қўллай олиш имкониятлари кўрсатиб берилган. Биз яратган инновацион электрон дарслик бошқа яратилган электрон дарсликлардан айнан шу томони билан фарқланади.

Бунда маърузалар замонавий форматда тайёрланиб мавзуга мос турли хилдаги расмлар билан бойитилган, маълумотлар аниқ ва мазмуни жиҳатдан ўқитувчи учун ҳам, ўқувчи учун ҳам, тушунарли тилда ёзилган, ҳамда дарс ишланмасида мавзунини қизиқарли ўтиш учун маълумотлар, турли инновацион таълим методлари ва технологияларидан фойдаланиш учун қулай тарзда тайёрланган. Қисқача қилиб айтганда ўқитувчи дарс ўтиши ўз устида ишлаши учун тайёр шпаргалка кўринишда тайёрланган.

Тақдимотлар – расмлар ёрдамида тузилган бўлиб ўқувчи билимларини мустаҳкамлашда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, талабаларда расмлар билан ишлаш тажрибасини шакллантириш кейинчалик улардан маъруза, реферат, лойиҳа ва ҳисобот ишларини бажаришда кўргазмали тақдимотлардан фойдаланиш тажрибасини ҳосил қилади (2.3.1-расмга қаранг).

Жадваллар ахборотни ҳар доим ҳам матнни ўқиш орқали бажариб бўлмайдиган таққослаш, ахборотларни тизимлаштириш, асосийсини ажратиш олишда қўл келади. Масалан, кимёвий элементлар гуруҳларини битта жадвалда хоссаларини келтириб тушунтириш мумкин. Бунда жадваллар маълумот базаси вазифасини бажаради.

Анимациялардан одатда кимёвий жараёнларни намойиш этишда фойдаланилади. Бунда кимёвий элементларнинг агрегат ҳолатлари, алангани бўяши, сув ва эритувчиларга таъсири ва бошқа хоссалари gif. кўринишда намойиш этиш имконияти берилди.

Интерактив схема ва карикатуралар ахборотларни босқичма-босқич етказиб бериш воситаси ҳисобланади. Схемалар жадвалдан ахборотни кетма-кет киритиб борилганлиги билан фарқ қилади. Схемаларни ишлатиш вақтида тарқатма материал ва карикатуралардан фойдаланиш ўқув материални кўргазмалилигини таъминлаш билан бирга ўрганилаётган муаммони аниқлик даражасини оширади.

II A guruh elementlarining asosiy kattaliklari

Asosiy kattaliklar	Be	Mg	Ca	Sr	Ba	Ra
Atom massa	9,01	12,31	40,08	87,62	137,3	[226]
Elektron formulasi	2s ²	3s ²	4s ²	5s ²	6s ²	7s ²
Atom radiusi, nm	0,113	0,160	0,197	0,215	0,221	0,235
Me ²⁺ ion radiusi, nm	0,034	0,074	0,104	0,120	0,193	0,194
Suyuql. harorati, °C	1283	650	847	720	718	—
Zichligi, g/sm ³	1,85	1,74	1,54	2,63	3,76	—
Ionlanish energiyasi, M → Me ²⁺	9,323	7,645	6,133	5,695	5,212	5,28
Yer po'stlog'ida tarqalishi, %	3,8 · 10 ⁻⁴	1,9	3,3	3,4 · 10 ⁻²	6,5 · 10 ⁻²	1 · 10 ⁻¹¹

Magniy o'simliklardagi xlorofill tarkibiga kiradi va fotosintezda ishtirok etadi.

Cs ning suv bilan reaksiyasi portlashga olib keladi bunda sezily o'z-o'zidan suyuqlanadi:

$$2Cs + 2H_2O = 2CsOH + H_2$$

2.3.1-расм. ИЭД даги тақдимот кўриниши

Элементлар ҳақида видеолар ва - хорижий манбаларда мавжуд бўлган видеоларни инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилиб бизда кўриш имконияти бўлмаган радиоактив элементлар ва уларнинг хоссалари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлади. Шунингдек, видеолар инглиз тили ва ўзбек тилида намойиш этилганда ўқувчи фан юзасидан инглизча-ўзбекча луғат бойлигига ҳам эга бўлади (2.3.2-расмга қаранг).

$Cs + S \rightarrow Cs_2S$

2.3.2-расм. ИЭД даги видеолардан намуна

Дарс ишланмалари каталоги – дарснинг технологик харитаси келтирилади. Унда бир соатлик дарс учун қандай қизиқарли маълумотлар, қандай инновацион таълим методларидан фойдаланиш, турли расмлар билан бойитилган маъруза матнлари келтирилади.

Бунда дарснинг ҳақиқий каталоги яртилади. Дарсдан ўқувчи қандай билим, кўникма, малака ва компетенцияга эга бўлиши ҳақида каталогдан билиб олади ва дарсга киришга ошиқади. (2.3.3-расмга қаранг).

O'рта asrning toj – taxt qotillari ishlatadigan va hech qanday jinoyat izini qoldirmaydigan lekin o'z ishini bekamu ko'st bajaradigan zaharlar.....
 XV asrda Bavariya monarxlari "Faylasuflar toshi" va "Hayot elektrini" ni qidirish jarayonida yangi metallni aniqlab uni cho'chiqalar ishtaha bilan yeb tez semirishini kuzatgan.....

Darsda zamonaviy ta'lim metodlaridan "Keys-study" va "Ildok xaritasi" "Antikrossvod" metodlaridan foydalaniladi bu esa o'quvchilar bilimlarini mustahkamlash uchun eng samarali metod....

Mavzu: XV guruh elementlari
 P-inktogenlar haqida eng qiziqarli ma'lumotlar, ularning ishlatilish sohalari, birikmalarining xossalari, kundalik turmushda qo'llanilishi haqida bilimlarga ega bo'lishni soxlaysizmi unda darsga marhamat....

N₂ -hayotsiz?
 P-nur sochuvchi?
 As-sichqon dori?
 Sb-monarxlarga qarshi?
 Bi-vismut?

Surmaning ajoyib xususiyatlari haqida...

Fosfor kundalik turmushda...?

Mitserlix namunasi?

**BILASIZMI...
 Metallor bo'risi**
 Buralib turgan og'zi ochiq ilon ...
 Monarxlarning dushmani...
 haqida...

Darsda mavzuga oid qiziqarli video havoalar bilan tanishasiz.

Dars mavzusini o'z vaqtida o'zlashtira olmadigizmi?
 Unda sizga qulaylik bor ushbu mavzu yuzasidan ma'lumotlar innovatsion elektron darsligimiz va institutimiz nsp1.uz, saytining moodle tizimiga joylashtirilgan.
 Murojjat uchun telefonlarimiz: +998-91-308-88-90
 e-mail: mamurjon.ahadov@inbox.ru


Mishyak zahari

2.3.3-расм. ИЭД нинг дарс каталоги намунаси

Аудио – бунда ҳар бир мавзунинг мазмун-моҳияти аудиофайл ҳолда тайёрланган бўлиб, ўқувчи мавзуни нафақат видеодарс орқали кўриш, балки тинглаш орқали ҳам тўлиқ ўзлаштира олиши назарда тутилган.

ИЭД нинг «Кимёдан масалалар ечишни ўрганамиз» номли бўлимида – видеолавҳа орқали кимёвий масалаларни ечиш методикаси кўрсатилади. Бугунги кунда кимё фанини ўрганишда кимёвий масалаларни ечиш энг долзарб муаммо бўлиб келмоқда. Давлат тест маркази томонидан олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларига тақдим этиладиган тестлардаги масалаларни ечиш усуллари умумтаълим мактаби кимё фани дарсликларидан келтирилмаган шу сабабли ўқувчилар ўқув курсларига қатнашишга эҳтиёж сезади. Биз яратган инновацион электрон дарслигимизда бу муаммонинг олди олинади. Инновацион электрон дарслигимизнинг «Кимёдан масалалар ечишни ўрганамиз» номли бўлимида 100 дан ортиқ янги типдаги кимёвий масалаларнинг ечиш усуллари видеолавҳа орқали тақдим

этилади. Бунда ўқувчи мустақил ўрганиш кўникмасига эга бўлади (2.3.4-расмга қаранг).



2.3.4-расм. ИЭД нинг «Кимёдан масалалар ечишни ўрганамиз» бўлимининг кўриниши


Кимёгар олимлар- бу бўлим анорганик кимё фанига ҳисса қўшган машҳур кимёгар олимлар расмлари, улар ҳақидаги тўлиқ маълумотларни ўз ичига олади. Бу маълумотлар ўқитувчи томонидан дарсга тайёргарлик кўриш ҳамда, талабалар томонидан реферат, мустақил ўқиш ва маърузалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин (2.3.5-расмга қаранг).



2.3.5-расм. ИЭД нинг «Олимлар ҳақида» ги бўлими



ИЭД нинг виртуал лабораториялар бўлимида машғулотларни ўтказиш учун технологик харита, керакли жиҳоз ва реактивлар кетма-кетлиги, ишнинг мақсади, ностандарт топшириқлар берилган. Шунингдек виртуал

лабораториялар орқали бажариш имконияти бўлмаган тажрибаларни CrocodileChemistry дастурида виртуал намойиш этиш имконияти берилади. (2.3.6-расмга қаранг).



2.3.6-расм. ИЭД да CrocodileChemistry ойнаси кўриниши.

ИЭД нинг назорат қисмида инновацион электрон дарсликда ностандарт тестлардан кенг фойдаланилади. IspringQuizMaker дастурида 11 турдаги ностандарт топшириқлар тайёрлаб дарсликнинг шу бўлимига киритилади. HotPotato дастурида ҳар бир мавзу юзасидан кроссвордлар берилади бу эса талабалар хотирасини чиниқтиради. Ассесмент – бу ўқувчини 4 даражадаги билимини бир вақтнинг ўзида баҳоловчи бир мезон ҳисобланади. Кейслар банкида кимё фанига оид муаммоли вазиятлар келтирилади (2.3.7-расмга қаранг).



2.3.7-расм. ИЭД нинг Ispring дастурида тест ва HotPotato дастурида кроссвордлар кўриниши

Ҳозирда деярли барча соҳанинг электрон нашрлари мавжуд. Лекин ҳаммасини ҳам фойдали дея олмаймиз. Маълумот ундан фойдаланилгандагина керакли бўлиши мумкин.

Шундай экан, электрон дарсликлар тайёрлашда ҳам ушбу жиҳатга эътибор қаратиш зарур бўлади. Айти пайтда янги ахборот технологиялари соҳасида виртуал таълим технологияларини қўллаш ривожланиб бормоқда.

Бундай технологиялар асосида анъанавий ўқув матнини янада такомиллаштирилган ўқув материали асосида кенгайтириш ва чуқурлаштириш ҳамда курслар ва анимацион лавҳалардан фойдаланиш йўли билан алмаштириш ғояси ётади. Бунда у ёки бу ҳолда ажратиб берилган матн лавҳалари орасида ўзаро боғланиш тугунлари барпо этилади.

Мутахассисларнинг таърифига кўра, инновацион электрон дарслик инсон интеллектининг катта ҳажмдаги ахборотни эса сақлаш қобилиятини ва мазкур ахборотлар ичидан коммуникация (мулоқот) ва тафаккур жараёнларини ассоциациялаш йўли билан қидирув ишларини олиб боришни **имитация** (ўзида акс этиш) қилади.

Бошқача қилиб айтганда, инновацион электрон дарслик мураккаб даражада ташкил этилган ўқув материаллари тизими бўлиб, кўплаб статистик ва динамик ахборотларни ўзида мужассамлаштиради ҳамда умумлашган тармоқ тузилишига эга бўлади. Бунда ахборот лавҳалари аҳамиятини матн, график, схема, видеолавҳа, ижрочи дастур ва анимация (ҳаракатли жараён)лар ўйнайди.

Диссертациянинг «**Анорганик кимё фанидан инновацион электрон дарсликнинг таълим жараёнидаги самарадорлиги**» деб номланган учинчи бобида педагогик тажиба-синовни тайёрлаш ва ўтказишнинг асосий шарт-шароитлари, тажиба-синов натижаларининг статистик таҳлили ва самарадорлик даражаси ҳақида фикр юритилган.

Дастлаб тажиба майдони сифатида белгиланган йўналишда экспрементатор ўқитувчилар «Анорганик кимё» фанидан ИЭД нинг мазмуни, дизайни ва шакли уйғунлиги бўйича замонавий талабларга қай даражада жавоб беришини синовдан ўтказилди (3.3.1-жадвалга қаранг).

3.3.1-жадвал

Инновацион электрон дарслик сифатини баҳолаш самарадорлиги

№	ИЭД сифатини баҳолаш мезонлари	Мавжудлиги	Сифат даражаси (% ҳисобида)
1	Индивидуал ишлаш имконияти	+	100 %
2	Локал тармоқда ишлаш имконияти	+	100 %
3	Назарий билимлар модули	+	96 %
4	Амалий билимлар модули	+	95 %
5	Ностандарт тест топшириқлари	+	92 %
6	Видео маъруза ва видеороликлар	+	65 %
7	Электрон кутубхона	+	70 %

8	Дидактик қўшимча материаллар	+	96 %
9	Муаллиф ҳақида маълумот	+	100 %
10	ИЭД билан ишлаш ҳақида қўлланма	+	90 %
11	Кимёвий масалаларни ечиш кўникмаси	+	90 %
12	Аудиофайлларни эшитиш имконияти	+	90 %
	Ўртача сифат даражаси:		90,3 %
	ИЭД нинг мазмуни, дизайни ва шакли уйғунлиги бўйича мезонлар		
1	Маъруза матнлари	+	99 %
2	Дарс ишланмалари каталоги	+	86 %
3	Интерактив тақдимотлар	+	76 %
4	Фотоиллюстрациялар	+	86 %
5	Анимация ва gif.лар	+	75 %
6	Аудиофайллар	+	88 %
7	Масалалар видео ҳаволаларда	+	98 %
8	Инглизча-ўзбекча луғатлар	+	85 %
9	Глоссарий	+	70 %
10	Қизиқарли маълумотлар	+	100 %
11	Кимёгар олимлар ҳақида	+	80 %
12	Ассесментлар	+	90 %
	Ўртача сифат даражаси:		86 %

Таҳлил натижаларидан аён бўлдики, ИЭД дастурий воситани яратиш бўйича қўйиладиган мезонларга ўртача 90,3 % ИЭД нинг мазмуни, дизайни ва шакли уйғунлиги бўйича мезонлар 86 % ни ташкил этди.

